

БАБАРАҲИМОВ Отабек Одилжонович,
Темурбеклар мактаби ҳарбий-академик лицейи
директорининг маънавий-маърифий ва тарбиявий
ишлар бўйича биринчи ўринбосари, подполковник
otabekbabarahimov@gmail.com

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИДА ҲАРБИЙЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ- МАЪНАВИЙ ҲИМОЯСИ

СОЦИАЛЬНО-ДУХОВНАЯ ЗАЩИТА ВОЕННОСЛУЖАЩИХ В ГОСУДАРСТВЕ АМИРА ТЕМУРА

SOCIAL AND MORAL PROTECTION OF THE MILITARY IN THE STATE OF AMIR TEMUR

Аннотация. Армия том маънода давлатнинг тинчлиги, хавфсизлиги ва уни барқарор амал қилишининг асоси бўлиши учун ҳарбийларнинг ижтимоий-маънавий ҳимояланганлик даражасининг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Мақолада Амир Темур ғалабаларининг асоси, унинг ҳокимиятини ички ва ташқи хавфсизлигини таъминлаган армияси, ундаги ҳарбийларнинг ижтимоий-маънавий ҳимояси қандай бўлганлиги, ҳукмдор томонидан ҳарбийларга муносабат, уларнинг нима сабабдан Темур атрофида жипслашиб, унга садоқат билан хизмат қилганликлари ҳақида маълумотлар берилган. Темур давлатидаги ҳарбийларнинг ижтимоий-маънавий қиёфаси мамлакатимизда ҳарбийларнинг ижтимоий ҳимояси борасида амалга оширилаётган изчил сиёсат билан таққослаб кўрилган.

Калим сўзлар: ҳарбийлар, сипоҳ, мардлик, жасорат, ижтимоий ҳимоя, маънавий ҳимоя, ғалаба, моддий таъминот, “Темур тузуклари”, тартиб-интизом.

Аннотация. Для того чтобы армия была буквально основой мира, безопасности государства и его стабильной работы, крайне важен уровень социальной и моральной защищенности военнослужащих. В статье приводятся сведения об армии, которая легла в основу побед Амира Темура, обеспечила внутреннюю и внешнюю безопасность его державы, социальную и моральную защиту воинов в ней, отношение правителя к воинам, почему они собирались вокруг Темура и верно служили ему. Информация о социально-нравственном облике военнослужащих в государстве Амира

Темур сопоставляется с последовательной политикой, проводимой для социальной защиты военнослужащих в нашей стране.

Ключевые слова: воины, армия, отвага, социальная защита, моральная защита, победа, материальное снабжение, «Уложения Темура», дисциплина.

Annotation. The army of any country is its support, guarantee of political and territorial stability. In order to make the army be the basis of the state's peace, security and its stable operation, the level of social and moral protection of the military is extremely important. The article provides information about the army that formed the basis of Amir Temur's victories, ensured the internal and external security of his power, the social and moral protection of the soldiers in it, the attitude of the ruler to the soldiers, why they gathered around Temur and served him loyally. The information about the social and moral image of the military in Amir Temur's state, which has taken a worthy place in the most glorious pages of our history, is compared with the attention, care, and consistent policy implemented for the social protection of the military in our country today.

Key words: Soldiers, army, bravery, courage, social protection, moral protection, victory, material support, Temur's rules, discipline.

КИРИШ

Амир Темур ўз даврининг нуфузли давлатлари Олтин Ўрда, Усмонийлар давлати, Мўғулистон ва Оқ Ўрда каби давлатларнинг устидан бетакрор ғалабаларга эришган. Унинг зафарли юришларида, давлатнинг ҳаёт-мамоти ва хавфсизлик масаласи ҳал бўладиган жангларда кетма-кет ғалаба қозонишининг сабабларини тарихий маълумотлар кўшинининг интизоми, унинг тайёргарлик даражаси, саркардалар ва ҳумдорнинг жанговар истеъдоди билан боғлиқлигини кўрсатади. Эътиборга молик яна бир жиҳат, яъни кўшинни ижтимоий ва маънавий ҳимояланганлик даражасининг барқарорлиги кўзга ташланади. Темур ўзининг фаолиятида сиёсий ва ҳарбий функцияларни уйғунлаштирган ҳолда самарали олиб борган. Унинг давлат сиёсати ва хавфсизлиги кўп жиҳатдан армияга боғлиқ бўлганлиги учун, ҳукмдор сифатида ҳарбийларнинг ижтимоий ва маънавий ҳимоясига жиддий эътибор қаратган. Ўз навбатида эса, бундай эътиборнинг натижасида ҳарбийлар ҳам ҳукмдорларига

садоқатли хизмат қилишган, у билан энг масъулиятли дамларда ёнма-ён бўлишган, ўз давлатларининг хавфсизлиги ва барқарорлигини ишончли ҳимоясини таъминлай олишган.

Темур тажрибали ҳукмдор сифатида кучли ижтимоий-маънавий ҳимояланган ҳарбийларсиз ғалабалар келтирувчи армияни ташкил эта олмаслигини билар эди. Қолаверса, ўзи ҳокимият тепасига келмасдан олдин сиёсий тарқоқлик амал қилаётган Мовароуннаҳрда бирор-бир бек ёки амир доимий ғалаба келтирувчи, аниқ сиёсий мақсадларни кўзлаган армияга эга эмасди. Жангчилар қайси бек ёки амир ўзларига кўпроқ пул-маблағ ваъда қилишса, ҳукмдорларини ўзгартириб кетаверишлари оддий ҳол бўлган. Бундай ҳолат ташқи душманларнинг Мовароуннаҳрга тез-тез бостириб келиб, бу ҳудуднинг моддий бойликларини таланишига, халқини эса ҳимоясиз, ночор аҳволга тушиб қолишига сабаб бўлган.

Мана шундай шароитда ҳали сиёсий ҳокимият қўлига ўтмасданоқ Темур ҳарбийларнинг нафақат ижтимоий, балки маънавий ҳимоясини йўлга қўйиш орқали ўзининг сиёсий мақсадларини амалга оширишга чин маънода ёрдам бера оладиган армияни яратишга киришган. Сиёсий ҳокимиятни қўлга киритгандан кейин эса унинг ижтимоий-маънавий қиёфаси барқарор армияси давлат сарҳадларини кенгайтириш, унинг ички ва ташқи хавфсизлигини таъминлашга ишончли асос бўлган.

Замонавий Ўзбекистонда ҳам ҳарбийларнинг ижтимоий-маънавий ҳимоясига ҳукумат томонидан берилаётган кучли эътибор, уларни ижтимоий ва маънавий қўллаб-қувватлашга умумдават миқёсидаги масала сифатида эътибор берилаётганлиги ҳам Темурнинг ҳарбийларни ижтимоий ҳимоя сиёсати билан ўхшаб кетади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб Амир Темур армиясининг ижтимоий-маънавий ҳимоясига оид амалга оширилган ишларни ўз фаолиятини Ватан ҳимояси билан боғлайдиган ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жараёнида қўллаш зарурлигини инобатга олсак, мавзуда тадқиқ қилинаётган масалаларнинг долзарблиги янада ошади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Тарихий фактлар шундан далолат берадики, Амир Темурни ўзи яшаган давр сиёсий жиҳатдан тоблаган, тарбиялаган. У мураккаб ва ўта хатарли вазиятлардан омон қолиб, сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш эҳтимоли умуман йўқ жойдан ўзининг билими, қобилияти, ақлу-фаросати, иродаси, мардлик ва мақсадга интилувчанлик хусусиятларини ишга солиб ўз даврининг энг кучли давлатини тузишга, унинг барқарор хавфсизлигини таъминлашга эришган. Иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий барқарор давлатни бунёд этишда, унинг барқарор ривожланишини таъминлашда Темурга армия асосий таянч бўлган. Темур ўзининг асосий сиёсий орзуси бўлган мамлакатни мўғуллар зулмидан озод этиш ва кучли марказлашган давлатни бунёд этишга эришишида унга садоқат билан хизмат қиладиган ҳарбийларнинг ижтимоий-маънавий ҳимоясини инсоний бурчи деб билган. “Темур тузуқлари” ва Темур фаолиятини ёритган ўша давр тарихчилари ҳамда замонавий тадқиқотчиларнинг асарларида фикримизни исботлайдиган фактлар жуда кўп учрайди.

“Темур тузуқлари”да ёзилишича, Темур давлатнинг мудофаа тизимини мукамал даражада ташкиллаштирган, мамлакат бутунлиги, тинчлиги ва барқарорлигига раҳна солувчи ички ва ташқи хавфлар, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини ўрганиб, мудофаа тизимининг вазифаларини шунга монанд белгиланган. Шу билан бирга қўшинининг асосини ташкил этувчи зобитлар ва аскарлар билан ҳамжиҳат бўлиб, уларга муносиб унвон ва мартабалар инъом этиб тарбиялаган. Темур фармонига биноан баҳодирлардан кимки қилич чопишда ўзини кўрсатса, биринчи марта бўлса – ўнбоши, иккинчи марта ботирлик қилса – юзбоши, учинчи мартасида эса мингбоши қилиб тайинланган. Ўнбоши қўли остидагилардан бири ботирлик кўрсатса, биринчи галда уни ўнбоши қилиб тайинлашган [2:113]. Соҳибқирон армиясидаги сарбоз ўз жонини хатарга қўйиб мардлик намунасини кўрсатиши эътиборсиз қолдирилмасдан ҳар гал унинг мардлиги маънавий-руҳий ва албатта, ижтимоий қўллаб-қувватланиши ҳам аскарнинг ҳукмдорга садоқатини оширган бўлиши табиий.

Муиниддин Натанзий ўзининг “Мунтахаб ут-тавориҳий Муиний” асарида ёзишича Амир Темур ўзининг ёнида юриб мардлик ва жасорат кўрсатган, давлатининг асосларини яратишда ёрдам берганларнинг барчаси ҳар жиҳатдан обод ва фароғатли турмушга эришишган. Сохибқирон ўз қўл остидагиларга, жумладан сипоҳийларга молу мулк ва мартабани шунчалик бердики, бундан ортиғини улар тасаввур ҳам қила олишмасди [4:112].

Темур армиясида жасорат намунасини ҳамма кўрсатиши керак эди. Чунки, ғаним лашкарига шикаст етказишда оддий аскарга ундан юқориқ мартабадаги ҳарбийлар ибрат бўлиши лозим бўлган. Шу тахлитда қуйи поғонадаги аскар ўзидан юқори поғонада турган ҳарбийлардан ибрат олар эди. Жасорат эса Темур жорий қилган ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимида эътиборсиз қолдирилмаган. “Тузуқлар”да айтилишича “Агар мингбоши қилич зарби билан ғанимнинг бир фавж лашкарига шикаст етказса, уни биринчи амир этиб тайинласинлар. Биринчи амир ёв лашкари сафини бузиб, уларни тарқатиб, баҳодирлик кўрсатса, уни иккинчи амирлик даражасига кўтарсинлар. Шунга ўхшаш, қайси амир ёв лашкари тўпини тўздириб, иш кўрсатар экан, уни ўз мартабасидан юқори кўтарсинлар” [2:113].

Темур ўз замонасининг энг интизомли ва жанговар салоҳияти баланд армиясини ташкил эта олган. Лекин бу масаланинг асосий жиҳати эмас. Эътибор бериладиган жиҳат бу армияни қандай қилиб узоқ вақт давомида маънавий қиёфаси ва жанговар қудратини сақлаб қолганлигидир. Шу жойда ҳам Темурни аскарларга маънавий-ижтимоий ёндошуви кўзга ташланади. Темур сипоҳийлардан кимки астойдил қилич чопса, ойлигининг оширилишини қатъий талаб қилган, қайси бир сипоҳий урушдан юз ўгириб қочса, уни илтифотидан маҳрум этган, агар мажбуран чекинган бўлса, узрини қабул қилишни талаб қилган [2:113].

Темур улкан империяни барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашда армияни ижтимоий-маънавий қиёфаси катта рол ўйнашини билган. Шунинг учун ҳар бир сипоҳ қанчалик ижтимоий барқарор ҳаёт тарзига эга бўлса ўзининг садоқатини доимий равишда

кўрсатиб келишига ишнган. Низомиддин Шомий ўзининг “Зафарнома”сида жуда ҳам таъсирли сахнани келтириб ўтган. Сейистонда Малик Кутбиддин аскарлари билан жанглarda қаттиқ курашаётган қалъа ҳимоячиларига қарши жангга Темур шахсан ўзи киришга аҳд қилиб отига минганда, унинг садоқатли амирлари пиёда бўлиб отининг жиловидан тутиб: “Абадиятга пайванд давлатингиз соясида кўп йиллардан бери молу манол ва ҳашамату иқболга эга бўлдик. Бугун эса бизлар тирик бўла туриб, амир ҳазратлари хатарли ишни ўз зиммаларига олишлари раво бўлмас”, деб арз қилдилар. Сўнгра бирварақай ҳар томондан ҳужум қилишиб, душманларни ҳайдаб қалъани олишга муваффақ бўлишади [5:126].

Темур ўз аскарларига қўллаган ижтимоий-маънавий ҳимоя аскарнинг фақат хизмат давридаги фаолияти билан чегараланиб қолмаганлигини кўрамиз. Куч ва имконияти бўлганда ундан фойдаланиб, ёши кексайганда сипоҳни қўллаб-қувватлашни унутиб қолдириш асло мумкин эмаслигини Темур алоҳида таъкидлаб ўтади: “Қайси бир сипоҳий хизматда юриб қарилик ёшига етаркан, уни ойлик-ҳақдан маҳрум этмасинлар ва мартабасидан туширмасинлар. Ҳеч бир сипоҳийнинг хизмати назардан четда қолмасин. Чунки улар давлат хизматида экан, боқий ҳаётларини фоний дунё нақди учун аямаганининг ўзи ҳам инъомга ва моддий таъминотга лойиқлигини билдиради. Уни инъомидан маҳрум қилиб, хизматларини кўрсатмасалар, ноинсофлик қилган бўлурлар” [2:113]. Темурнинг бундай ёндошувидан кейин жамиятда шаклланган алоҳида қатлам – ҳарбийлар ўзларининг маънавий ва жанговар садоқатларини ўз ҳукмдорларига, Ватанларига умрларининг охиригача сақлаб қолган бўлишларига шубҳа йўқ.

Темур ўз давлати учун жон-жаҳдини берган зобит ва аскарлар, ёши кексаларнинг хизматида алоҳида эътибор берган. Уларнинг панд-насихатлари, тажрибалари таълим-тарбия масалаларида ғалабага етакловчи муҳим омил сифатида ўрганилган. Шу уринда қаҳрамонлар қадрланиб эъзозланган ва уларга турли ваколат ҳамда имтиёзлар яратиб берилган. Темур зобитларнинг (қаҳрамонларнинг) тажрибалари ва насихатларидан ҳарбий билим ҳамда малакани ёш аскарларга сингдиришда кенг

фойдаланганлигини кузатиш мумкин. Ушбу ҳолат, ўз навбатида Амир Темурнинг буюк саркарда сифатида зобит ва аскарларнинг тарбиясига ҳам ўзига хос тарзда ёндошганидан далолат беради. “Яна амр қилдимки, қайси бир амир ёки сипоҳийни менинг давлатим учун хизмати синггани аниқ бўлса – ғаним лашкарини синдирган, бирор мамлакатни забт этган ёки (жон-жаҳд билан) қилич чопишган бўлса, хизматини тақдирлаб, ҳаққини адо қилсинлар. Ёши кекса сипоҳийларни хурматлаб, азиз тутсинлар. Улардан фойдали маслаҳатлар олсинлар, чунки уларнинг айтадиган гаплари ўз тажрибаларида кўриб, билганларидир. Уларни салтанат корхонасининг устунлари деб билсинлар. Улардан кейин ўғилларини ўринларига ўтказсинлар” [2:114].

Темур салтанат устунлари деб билган ёши кекса сипоҳийлар умрларини асосий қисмини ҳарб ишига бахшида этиб етарли иззат-икром, қариганда илтифот ва эҳтиромга сазовор бўлишлари уларнинг оила-аъзоларида ҳам бу касбга нисбатан ҳурмат, ўз яқинларидан фахрланиш туйғуларини келтириб чиқарган. Шундай муҳитда, аскар оиласида улғайган ўғил отаси муқаддас деб билган ишни давом эттиришига ҳукмдорнинг ўзи шарт-шароит яратиб бераётганлиги алоҳида диққатга сазовордир.

Темур ҳарбийларга замонавий гуманитар ҳуқуқ қоидаларига мос муомала қилганлигига эътибор қаратиш керак. У Боязид билан урушда қўлга тушган тўрт минг румлик аскарни озод қилади, ғаним сипоҳийларидан қайси бири ўз давлатини тузини оқлаб, унга қарши қилич чопган, сўнгра ихтиёрий равишда ёки мажбур бўлиб паноҳига келса, бундай аскарга ишониб, уни азиз тутишни талаб қилади. Чунки у ўз соҳибига вафодорлик қилиб, еган туз ҳаққини оқлаган [2:113].

Хутталон арконларидан бири Амир Ҳусайн макрига учиб Темур билан бўлган урушда унга қарши мардонавор жанг қилган Шер Баҳром [8:230] кейинроқ иложсизликдан Темур паноҳига келганида, уни хурматлаган. Сулдуз уруғи сардорларидан, Алачу қалъасини бошлиғи Шер Баҳромнинг яқин дўсти Менгли Буға [8:230] ҳам Балх урушида Темурга қарши лашкар тортиди. Жанг бошланишидан аввал Темур уни ўзи томонга оғдириш мақсадида

хат юборади. У эса Туғлуқ Темурхоннинг ҳаққига кўрнамаклик қилмаган ва Темурга қарши лашкар тортиб, эрларча жанг қилган. Охир-оқибат енгилади. Кейинчалик ўз ихтиёри билан Темур ҳузурига тиз чўкиб, паноҳ излаб келганда, унинг мартабасини улуғлаб Темур, илтифоту марҳаматлар кўрсатган. Бундай вазиятларда Соҳибқиронни ҳақиқий жангчига қилаётган муносабати унинг сипоҳларига қаттиқ маънавий таъсир кўрсатган, бундай мард, танги ва ўз вақтида сипоҳга ғамхўр ҳукмдор билан бирга эканликларидан ғурурланишган.

Амир Темур чин маънода ўз сипоҳийлари ҳақида қайғургани учун унинг баҳодирлари жангларга тайёргарлик кўришларида, турли қийин ҳолатларида, айниқса ўлим хавф солиб турадиган жангларда мардлик ва жасорат тўнини кийишар эди. Темур эса бундай дамларда ўз сипоҳийларига кўнгил бериб уларнинг иззатини жойига қўйган, ўз навбатида ҳукмдордан далда ва таърифлар эшитган сипоҳ бир кўнгли минг бўлиб, ўз ишларига жидду жаҳд билан ёндошганлар [7:90].

Бу ҳақда Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида қатор мисолларга дучор бўламиз. Масалан, Амир Темурнинг хос навқари, кейинчалик лашкарбошиси Мубошир Мозандарон ҳокими Валибек билан жангда мардонавор ҳаракат қилгани учун ҳикмдор унга Гов Куш мавзесини умрбод суюрғол қилиб берган. Соҳибқирон вафотидан кейин Мубашширни Шохрух Мирзо ҳам иззат-ҳурматини жойига қўйиб эъзозлаган [7:103].

Аскарларининг ижтимоий ҳимоясига зўр бериб эътибор қаратган Темур жангчиларнинг қўлга киритган ўлжаларини махсус омборларга топширишни буюради, ҳарбий ўлжа у ерда рўйхатга олиниб, қаттиқ кўриқланган. Ўлжа ортиб кетса, уни аскар айтган манзилга етказилган. Темур кўшинида қайдга олиш ишлари жуда аниқ юритилган. Ҳатто қайд қоғозини йўқотиб қўйган ёки ҳалок бўлган жангчининг шахсий буюмлари ва тўплаган ўлжалари бошқалар томонидан ўзлаштирилмасдан, шу аскарнинг оиласига етказиб берилган.

Темур кўшинида тартиб-интизомни ҳимоя қилувчи қатъий ва адолатли қоидалар билан бир қаторда тарғибот иши ҳам доимо диққат марказда бўлиб, бу ишга масъул тарғиботчилар

хам бўлган. Улар тез-тез аскарлар йиғинида, гулхан атрофидаги суҳбатларда довлорак, мард, шижоаткор аскарлар ва ҳалок бўлган қаҳрамонлар ҳақида сўзлаб берганлар.

Менгли Буға Темур томонига ўтгандан кейин жанглarda жуда кўп баҳодирликлар кўрсатган. Натижада Темур унинг мардлигига тан бериб ўртадаги ўтган нохушликларни унутди. “Унга қилган иноятларим ҳақи ўртамаздан ўтган нохушликлар бутунлай унутилди. Йиғинларда унинг қилган баҳодирликларидан сўзлаб, офарин айтар эдим. Озарбайжон урушида қора Юсуф [8:256] билан тўқнашганимда, лашкарим оғир аҳволга тушиб қолди. Шунда у майдонда қора Юсуфнинг ўлган аскар бошлиқларидан бирининг бошини найза учига санчиб, баланд кўтарди ва лашкаримга қора Юсуфнинг боши деб, уни ўлдига чиқарди. Бундан лашкарим дадилланиб, жангга ташланди ва қора Юсуф лашкарининг ўртасига хужум қилиб, қора Юсуфни қочирди. Бу урушда қора Юсуф устидан қозонилган ғалабани Менгли Буға номига ёздирдим ва унинг мартабасини оширдим” [2:115], деб айтиб ўтган эди Темур.

Ибн Арабшоҳ тақдир тақозоси билан ўзининг “Ажойиб ал-мақдур фит-тарихи Таймур” асарида Темур шахсини салбий жиҳатдан баҳолаша-да, лекин унинг қўшини, Темурнинг шахсияти масаласига келганда маълумотларни тўғри ёзишга мажбур бўлади. Ҳукмдор Темурнинг маънавий-ижтимоий ғамхўрлиги оқибатида Темур қўшинининг жанговар қиёфасидан ташқари маънавий қиёфаси ҳам ижобий томонга ўзгарган. Ибн Арабшоҳ Темур армиясида аёллар ҳам бўлиб улар шиддатли жанглarda эркалардек мардлик намуналарини кўрсатишларини, ҳатто ҳарбий сафарларда юриш пайтида туғилиб вояга етган кишилар борлигини қайд этган [3:428]. Бундай фидоийлик, садоқат ўз-ўзидан бўлмаганлиги, бунда албатта Амир Темурдек инсонга ишонч, унга суяниш мумкинлиги, уни деб ҳар қандай жангу жадалга тайёрлик ҳисси ҳам бўлмағудлигини рад этиб бўлмайди. Албатта бундай фидоийликка Амир Темур ҳам муносиб жавоб қайтара олганки, ўз аскарлари Темур жисмоний қийн ҳолатга тушиб қолганда уни отга миндириб қўйиб ҳукмдорларига ҳар қандай душман олдида қалқон бўлиб беришган.

Маънавий-ижтимоий ҳимояланган аскарларнинг ичида кўпчилиги олийжаноб, ибодатли, тақводор, ҳудожўй, саховатли, ҳимматли кишилар бўлиб, улар эзгуликларида чексиз, асирларни озод қилиш, ноқисликни тўлғазиш, ёнғинни ўчириш, сувга ғарқ бўлаётгани кутқариш, ўзгаларга хайр-у эҳсон кўрсатиш, бошига кулфат тушганларга қўлини чўзиш ишларини ҳам ҳар қандай йўл билан амалга оширишган [3:428].

Темур ўз лашкарини маънавий ҳимоясига ҳам жиддий эътибор берган. Жасорат намунасини кўрсатган ҳар бир сипоҳ унинг назаридан, илтифотидан четда қолмаган. “Амр қилдимки, қайси бир амир бирон мамлакатни фатҳ этса, ё ғаним лашкарини енгса, унга уч нарса билан имтиёз берсинлар: фахрли хитоб, туғ ва ногора топшириб, уни «баҳодир» деб атасинлар; уни давлат ва салтанат шериги (деб) билиб, кенгаш мажлисига киргизсинлар; унга чегара вилояти топширилсин ва ўша ерлик амирлар унга бўйсунсинлар. Агар амирлардан қайси бирови тўрани (хон ўғлини) енгса ёки бирон амирзодага шикаст етказса, ё бирор ўлка хонини мағлуб этса, уни юқоридаги тартибда мукофотласинлар” [2:116], деб ҳукм чиқарган эди Темур.

Темур фикрича умумий мақсад йўлидаги жасорат, бурчга садоқатлилиқ албатта тақдирланиши керак. Душман аскарларини сафини бузиб унга жиддий зарба берган ўнбошига шаҳар ҳокимлиги, юзбоши бирор мамлакат ҳукмдори этиб тайинланган. Амир Жаҳоншоҳ Амир Темур билан ёнма-ён туриб Самарқандни олишда катта ёрдам бергани учун ҳукмдор унга мурувват кўрсатиб кўп миқдорда ер-сув тақдим этгани ва йирик мансаблар берганини испан элчиси Клавихо ҳам ўз эсдаликларида ёзиб қолдирган. [6:208].

Темур давлат бошқарувига киришаётган фарзанду набираларига, бўлажак подшоҳларга насиҳат қилиб, қайси навкарни ўзлари улуғлаб (мартабасини) кўтарган бўлсалар, тезда уни хорлаб тубан туширмасликни, ўзлари кўтарган кишиларни пастга урмасликни, кимники билган ва таниган бўлсалар, уни унутмасликни маслаҳат беради. Агар аҳён-аҳёнда навкарнинг иззат-нафсига тегиб хўрлаган бўлсалар, эвазига илгаригидан икки баробар ортиқ иззатини оширишни айтиб ўтади.

Соҳибқирон армиясининг ғалабаларини асосий омилларидан бири унга садоқат билан хизмат қилган аскарларининг мардлиги ва жасоратларидир. Буни Амир Темур ҳам ўз вақтида чуқур англаган ва аскарларини маънавий ва ижтимоий ҳимоясига жиддий эътибор қаратган. Ўзбекистон Президенти Ш. М. Мирзиёев ҳам Ватан ҳимочиларига йўллаган табригида “Темур тузуклари”дан: “Сипоҳий давлат хизматида экан, боқий ҳаётларини фоний дунё нақди учун аямаганликларининг ўзи ҳам инъомга ва моддий таъминотга лойиклигини билдиради”. Буларнинг бари улуғ Соҳибқирон салтанатида инсон, Ватан ҳимоячисининг кадри нақадар улуғланганини яққол кўрсатувчи мисоллар эканлигини таъкидлаб ўтди [1:1].

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданок бизнинг мамлакатимизда ҳам ҳарбийларнинг ижтимоий ва маънавий ҳимоясига кучли эътибор берилди. Айниқса охириги йилларда ҳарбийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ йўлга қўйилди. “Халқ ва армия – бир тану бир жондир”, деган шиор остида ҳарбий инфратузилмаларни модернизация қилиш бошланди. Ҳарбий шаҳарчалар замонавий киёфага эга бўлди, моддий таъминот хизматлари янада такомиллашди. Ҳарбий хизматчилар оилаларини қулай ва шинам уй-жойлар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг аёллари учун янги иш ўринлари яратиш, ҳарбий пенсионерларни ишга жойлаштириш каби чоралар изчил йўлга қўйилди.

Ҳарбий хизматчиларни коммунал-маиший шароитларга эга бўлган, замонавий талаблар ва стандартларга жавоб берадиган қулай уй-жой билан таъминлаш тизими йўлга қўйилди [10:2]. Турар жойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун пул компенсацияси, контракт бўйича хизмат қилаётган, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари йўналиши бўйича турар жой билан таъминланмаган оддий аскар, сержант ва офицерлар таркибига кирувчи шахсларга амалдаги сарф-харажатлар доирасида тўлаб бериш тизими ишга тушди [9:2], шунингдек ҳарбий хизматчиларни турар жой билан таъминлаш тизимига узок муддатли ипотека кредитлари беришнинг янги тизимини жорий этиш ва мудофаага ажратилаётган маблағлардан

фойдаланиш самарадорлигини оширишга катта эътибор берилди бошланди [11:2].

Булардан ташқари замонавий, арзон уй-жойлар қуриш ва бериш ҳисобидан уларни рағбатлантириш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини ошириш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини яхшилаш бўйича амалий механизмларни жорий этишга эътибор кучайди [12:2]. Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзолари ҳамда уларнинг қарамоғидаги шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ғамхўрлик қилиш ва ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ишига алоҳида эътибор берилмоқда [14:2]. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар берилиб уларнинг жамиятда ўз ўринларини топишига, муносиб турмуш кечиришларига шарт-шароитлар яратиб берилмоқда [13:2].

Ҳарбийларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар нафақат армияни жанговарлик даражасини оширди, балки ҳарбийлик касбини обрў-эътиборини жамиятда кўтарилишига олиб келди. Бугун йигитларимиз учун ҳарбий соҳада хизмат қилишнинг нуфузи ошди, ота-оналар ўз фарзандлари вояга етгач Қуролли кучларимиз сафларида хизмат қилишини ният қилишмоқда. Чунки ҳарбийларимизни миллатнинг, юртнинг ифтихорига айланаётганини барчамиз кўриб турибмиз.

ХУЛОСА

Амир Темурнинг ҳарбий соҳадаги фаолиятини тадқиқ этиш ишлари шуни кўрсатадики, Соҳибқирон армияга ўз салтанатининг таянчи сифатида қараган, унинг армияси ўз даврининг сиёсий муаммоларини ечишда ўз ҳукмдорига беминнат ёрдам берган. Ўз навбатида ҳукмдор оддий аскардан тортиб то юқори мартабали амирларгача ижтимоий, иқтисодий ва маънавий рағбатга сазовор деб билган. Аскарнинг ҳар бир қаҳрамонлиги эътибордан четда қолмаган, уларни ижтимоий ҳимоясини амалга оширишда Амир Темур нафақат ҳукмдор сифатида, балки жангу

жадалларда тобланган саркарда сифатида ҳам ёндашувни амалга оширган. Шунинг учун жароҳат олган, ҳарбий хизматга ярамай қолган, қарилик туфайли ўз вазифасини адо эта олмай қолган сипоҳийларнинг ўзларидан ташқари оиласини ҳам ҳимоясига олган.

Сипоҳнинг кучли ижтимоий-маънавий ҳимояланганлик даражаси Амир Темурнинг энг масъулиятли жанглarda ғалабаларининг бош омили бўлиб хизмат қилди, унинг давлати сарҳадларининг мустаҳкамлигини таъминлади, мамлакатнинг барқарор ривожланишига замин яратди. Амир Темур ўз даврида амалга оширган ҳарбийларнинг ижтимоий-маънавий муҳофазасига ўхшаш фаолият бутун мамлакатимизда ҳам амалга оширилаётгани янада катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Ҳарбийларни ижтимоий-маънавий қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тизими ёшларимизнинг ҳарбийлик касбига қизиқишини ошириш билан бирга, Ватан ҳимоячиларининг ўзини ҳам касбларига садоқатли бўлишга, бурчларини виждонан бажаришга ундамоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Маънавий-руҳий тарбия Ватанинг мустаҳкам қалқони, керак пайтда энг кучли қуролидир. – Тошкент: Янги Ўзбекистон газетаси. 2023, № 9.
2. Темур тузуклари / Форсча матндан А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов таржимаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.
3. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. – Тошкент: Фан.2019.
4. Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
5. Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент: Ўзбекистон. 1996.
6. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
7. Шарофуддин Али Яздий. Зафарнома. – Тошкент: Шарқ, 1997.
8. Дадабоев Ҳ. Амир Темур даврдошлари. – Тошкент: “Навоий университети” нашриёти, 2018.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2005 йл 25 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига турар жойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисида”ги № 169-сонли Қарори // <https://lex.uz/>
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 сентябрда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси қуrolли кучлари ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги № 694 сонли Қарори // <https://lex.uz/>
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2017 йил 11 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига турар жой сотиб олиш (қуриш) учун узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисида”ги № 619 сонли Қарори // <https://lex.uz/>
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 октябрда қабул қилган “Ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларининг турар жой-маиший шароитларини яхшилаш чора-тадбирлар тўғрисида”ги № 865-сонли Қарори // <https://lex.uz/>
13. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси томонидан 2020 йил 31 январда қабул қилинган “Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги № 3215-сонли қарори // <https://lex.uz/>
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 13 мартда қабул қилган “Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 34 сонли Фармони // <https://lex.uz/>